

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

БОЛТИБАЕВ ШУХРАТЖОН КОМИЛЖАНОВИЧ

**ДАВРИЙ РЕЖИМДА ИШЛАЁТГАН ЎЗARO БОҒЛИҚ МАГИСТРАЛ
ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА
ТАДҚИҚ ЭТИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Болтибаев Шухратжон Комилжанович

Даврий режимда ишлаётган ўзаро боғлиқ магистрал газ қувурларини
математик моделлаштириш ва тадқиқ этиш 3

Болтибаев Шухратжон Комилжанович

Математическое моделирование и исследование взаимосвязанных
магистральных газопроводов, функционирующих периодическом
режиме 21

Boltibaev Shukhratjon Komiljanovich

Mathematical modeling and research of the interrelated main gas pipelines
functioning in a periodic mode. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМий-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

БОЛТИБАЕВ ШУХРАТЖОН КОМИЛЖАНОВИЧ

**ДАВРИЙ РЕЖИМДА ИШЛАЁТГАН ЎЗАРО БОҒЛИҚ МАГИСТРАЛ
ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА
ТАДҚИҚ ЭТИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т61 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хўжаев Исматулла Қўшаевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Кабулов Анвар Василович
техника фанлари доктори, профессор

Маликов Зафар Маматкулович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Н.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда математик моделлаштириш ва замонавий инфор­мацион технологиялар асосида нефть ва газ ташиш жараёнларини автоматлаштиришга ва моделлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. British Petroleum маълумотларига кўра, «охирги ўн йилликда газ истеъмоли дунёда ўртача 2,5 % га, яъни 63 млрд куб метрга ортган. Хусусан, Марказий Осиёда (19 млрд куб м - 3,5%га) ва Хитойда (16 млрд куб м - 7,7%га) газ истеъмоли ўсгани қайд этилди»¹. Шу жиҳатдан газ ташиш жараёнлари учун инновацион ғоялар асосида янги математик моделлар ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда замонавий инфор­мацион технологиялар асосида магистрал газ қу­вури орқали табиий газ ташиш жараёнида газ ташиш параметрларини аниқлаш, газ қу­вури диаметри, ишчи босим, компрессор станцияларининг жойлашини аниқлаш, магистралларнинг оптимал йўналишларини танлаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар ишлаб чиқишга доир мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Газ ташиш тизимларини ҳисоблаш, хусусан, газ ташиш жараёнига ташқи муҳит ҳароратинининг таъсири ва газ истеъмоли ноте­кисликларини ҳисобга олган моделлар ва алгоритмларни ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд моделларни такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда янги инновацион технологиялар ёрдамида газ узатиш тармоқларини ҳисоблаш, уларнинг фаолиятини таҳлил этиш, башоратлаш, лойиҳалаштириш ва бошқариш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар ишлаб чиқишга қаратилган чора­тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камай­тириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизими­га ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни бажариш, хусусан энергиянинг асосий манбаларидан бири бўлган газ ташиш ва қайта ишлаш тизимларини башоратлаш, фаолиятини таҳлил этиш ва тезкор бошқаришда газ истеъмоли ҳажми ва ташқи муҳит ҳароратини суткалик ноте­кислигининг математик моделлари, сонли-аналитик усуллари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йилнинг 29 ноябрдаги

¹ <https://www.bp.com/en/global/corporate/energy-economics/statistical-review-of-world-energy/natural-gas/natural-gas-consumption.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелдаги 297-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Газ ташиш тизимларини ҳисоблаш, таҳлил этиш, лойиҳалаштириш, башоратлаш ва бошқариш учун математик моделлаштириш, алгоритмлар ва дастурий воситалар ишлаб чиқиш бўйича сўнгги йилларда А.Кангас, Е.Карлссон, А.А.Чемерис, С.А.Бобровский, М.А.Гусейнзаде, П.Ф.Водяник, В.В.Грачев, С.Г.Шербаков, Е.И.Яковлев, М.Г.Анучин, Ю.П.Коротаев, В.С.Кулик, А.З.Миркин, В.В.Усиньш, В.В.Алешин, С.Н.Прялов, Е.В.Сеннова, В.Г.Сидлер, И.А.Чарний, В.И.Панферов, Н.Н.Ермолаева, С.А.Коршунов, А.М.Чионов, Р.А.Штиков, В.А.Гасилов, Е.В.Врагова, В.Е.Селезнев ва бошқа чет эл олимлари илмий тадқиқот олиб борган. Улар статик режимда фаолият юритаётган электр тармоқлари, иссиқлик, газ ва сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаштириш, фаолиятини таҳлил этиш, иқтисодий баҳолаш ва тезкор бошқарув масалаларини ечиш ҳамда совуқ ва иссиқ ҳарорат шароитида, турли рельефлар орқали ёки сув ҳавзаларидан ўтувчи магистралларни ҳисоблаш учун моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқиш билан ўз ҳиссаларини қўшган.

Жумладан, ўзбек олимлари Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Р.Садуллаев, И.Қ.Хўжаев, И.Х.Вагапов, Н.З.Зайниев ва бошқалар томонидан статик режимда фаолият юритаётган магистраль газ қувурларининг нурсимон тармоғининг кўп бўғинлилигини, параллел қувурлари сони ва гидравлик кўрсаткичлари ўзгаришини ҳамда марказлашган газ олиш/қўшишни ҳисобга олган ҳолда гидравлик ҳисоблашлар учун ягона формула ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда ўзаро боғлиқ магистрал газ қувури тармоғи фаолиятида газ ҳайдаш ва олиш/қўшишнинг ҳисобига суткалик (даврий) нотекислиги ҳамда ташқи муҳит ҳароратининг суткалик даврий таъсирини ҳисобга олган математик моделлар, сонли-аналитик усуллар ва алгоритмлар ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ФА-Ф1-Ф010+Ф016 «Мураккаб тизим ва жараёнларни моделлаштириш ва бошқаришнинг фундаментал муаммолари» (2007-2011) ва №Ф4-ФА-Ф005 «Мураккаб чегарали соҳалар учун математик физиканинг кўп ўлчовли нозик синф масалаларининг моделларини такомиллаштириш ҳамда ечишнинг алгоритмик усулини яратиш ва тадқиқ қилиш» (2012-2016) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади даврий режимда чегаравий шартларнинг турли берилишида магистраль газ қувурининг гидравлик параметрларини ҳисоблаш учун математик моделлар, сонли-аналитик усуллар ва дастурий воситалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

магистраль газ қувури (МГҚ) тармоғи ва чизиқли қисмининг чегаравий ва ички шартларини Фурье қатори кўринишида тасвирлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

атроф муҳит ҳароратининг даврий ўзгаришининг МГҚ чизиқли қисми газодинамик кўрсаткичларига таъсири жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш;

даврий чегаравий шартларнинг турлича берилишида магистраль газ қувури чизиқли қисмининг газодинамик ҳолати ҳақидаги бошланғич шартсиз масалаларни математик моделини ишлаб чиқиш;

газ қувурида чекли сондаги марказлашган газ олиш ва қўшишларнинг ўзгарувчан жадалликларини ҳисобга олган ҳолда телескопик кўп бўғинли газ қувурининг гидравлик ҳисоби учун алгоритм ишлаб чиқиш;

сонли тажриба ўтказиш учун магистраль газ қувури тармоғи ҳамда чизиқли қисмининг гидравлик параметрларини ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида даврийликнинг турли шароитларида фаолият кўрсатаётган газ транспорти тизимларининг газодинамик кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини газ узатиш тизимлари даврий режимдаги фаолиятини таҳлил этиш ва тезкор бошқариш учун математик моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурий воситалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида физиканинг умумий қонунларидан, мураккаб тизимларни математик моделлаштириш, математик физика, комплекс ўзгарувчилик функциялар назарияси усулларидан, сонли усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қувур орқали узатилаётган газ ҳарорати ўзгаришининг математик модели атроф муҳит ҳароратининг суткалик синусоидал ўзгаришини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

газ истеъмолининг суткалик даврий ўзгариши ҳолида магистраль газ қузури чизикли қисми учун чегаравий шартлар берилишининг турли комбинацияларига мос масалаларининг математик модели ишлаб чиқилган;

изотермик режимдаги телескопик магистраль газ қузури тармоғининг газодинамик кўрсаткичларини аниқлаш учун чегаравий ва ички шартлар даврий берилишининг турли комбинацияларига мос ягона ҳисоб алгоритми ишлаб чиқилган;

жадвал кўринишидаги ва бир ёки кўп поғонали қисмлардан ташкил топган функцияларни Фурье қаторлари шаклида ифодаловчи самарали сонли алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

магистрал газ қузури кириши ва чиқишдаги газ босими, масса сарфи ва олиш/қўшишлар жадаллигини Фурье қатори кўринишида ифодалаш учун жадвал ёки қисм-функциялар кўринишидаги даврий функцияларни Фурье қаторига ёйиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

қувур орқали узатилаётган газ ҳароратига ташқи муҳит ҳароратининг синусоидал ўзгариши таъсирини максимал қиймати сутканинг 16-соатига тўғри келиши ва бу вақтда энг кўп энергия йўқотилиши аниқланган;

чегаравий ва ички шартларнинг турлича даврий режимда берилиши учун кўп бўғинли телескопик магистрал газ қузури тармоғини ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган тенгламаларнинг масса, импульс ва энергия сақланишининг умумий қонунлари асосида қурилганлиги, фойдаланилган ечиш усуллари кўп сонли масалаларни ечишда муқаддам синовдан ўтказилганлиги билан асосланади; газ босими ва сарфи учун чегараларга мос тўрт функция комплексининг ягоналиги ҳақидаги тасдиқлар исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинган ҳолда магистраль газ қувурларида кечадиган даврий жараёнларни математик ва сонли моделлаштириш усуллариининг ишлаб чиқилиши ва ривожлантирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти газ узатиш тизимларини лойиҳалаш ва оптимал бошқаришда газ ҳарорати оптимал қийматини аниқлаш, компрессор станциясининг қўшимча ускуналарининг ишга тушириш режимларини аниқлаш учун зарур бўлган ахборот таъминоти яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чизикли ва кўп бўғинли магистраль газ қувурлари орқали газ узатиш жараёнини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган модель, алгоритм ва дастурий воситалар асосида:

газ қузури тармоғи ва унинг чизикли қисмларининг параметрларини ҳисоблаш бўйича «Динамик режимдаги телескопик магистрал газ қувурининг турлича ички ва чегаравий шартларини ҳисобга олиб газ сарфи ва босимини суткалик ўзгаришини ҳисобловчи дастур», «Ресивер

ўрнатилган, даврий режимда фаолият кўрсатаётган магистрал газ қувурининг элементар қисмида газ сарфи ва босимининг ўзгаришини ҳисобловчи дастур», «Даврий режимдаги магистрал газ қувурининг элементар қисмида инерция кучини ҳисобга олган ҳолда газ сарфи ва босимининг ўзгаришини ҳисобловчи дастур» яратилган дастурий воситаларни фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида «UNICON.UZ» ДУК томонидан хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 9 октябрдаги хулосаси). Натижада газ қувури тармоғи ва унинг чизиқли қисмларини параметрларини ҳисоблаш алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминот газ ташиш тизимлари оптимал режимларини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

кўп бўғинли газ қувури учун бўғинлар гидравлик кўрсаткичлари, оралик нуқталардаги газ олиш/қўшишнинг жадалликлари берилганида газ босими ва масса сарфини аниқлаш алгоритми асосида яратилган дастурий восита Ўзбекистон нефть ва газ саноати амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги 33-8/2533-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида динамик режимда фаолият юритаётган газ ташиш тизимининг иш режимини аниқлаш, магистраль газ қувурини гидравлик ҳисоб қилиш ва оптимал бошқаришда компрессор станцияси ускуналарини ишга тушириш ва ўчириш режимларини аниқлашда меҳнат сарфини 9,5%га камайтириш имконини берган;

атроф муҳит ҳароратининг синусоидал ўзгариши туфайли қувур орқали узатилаётган газ ҳароратининг ўзгаришини ҳисоблаш алгоритми «ЎзЛИТИнефтегаз» ОАЖ мутахассислари томонидан қувурлар тизимларини ҳисоблаш жараёнида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги 33-8/2533-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида қувур орқали ташилаётган табиий газнинг термодинамик кўрсаткичларини аниқлаш ва гидравлик ҳисоблашлар ўтказиш учун автоматик ишчи ўрин ташкил этиш жараёнида меҳнат унумдорлигини орттириш имконини берган;

даврий чегаравий шартларнинг турлича берилишида магистраль газ қувури чизиқли қисмининг газодинамик кўрсаткичларини аниқлаш алгоритми ва дастурий восита «Самарқандшаҳаргаз» муҳандис мутахассислари билан биргаликда газ ташиш тизимлари газодинамик кўрсаткичларини аниқлашда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги 33-8/2533-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида газ қувури фаолиятини самарали бошқариш, компрессор станция ускуналарини ишга тушириш ва ўчириш режимларини аниқлаш, ўзаро боғлиқ чизиқли қисмлар гидравлик параметрларини тезкор аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (3 таси хорижий журналларда) чоп этилган ҳамда 3 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қувурлар фаолиятини моделлаштиришга доир адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт параграфдан иборат ва асосан охириги ўн беш йилда чоп этилган илмий манбааларнинг таҳлили ва тадқиқот вазифаларига бағишланган.

1.1-параграфда турли омилларни ҳисобга олган ҳолда магистраль газ қувурларини математик моделлаштиришга доир адабиётлар таҳлил этилган.

1.2-параграфда газ узатиш тизимларини сонли моделлаштириш, чизиклаштириш, квазичизиклаштириш, параметрларни ўрталаштириш ва бошқа ёндашувларга доир ютуқлар таҳлил этилган.

1.3-параграфда қувурлар газодинамик кўрсаткичларининг даврийлигига бағишланган илмий манбаалар муҳокама этилган. Газ транспорти тармоқлари учун моделлаштириш, алгоритмлаштириш ва дастурий воситалар яратиш соҳасидаги адабиётлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда фундаменталь ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришга хизмат қилувчи қуйидаги муаммоларнинг долзарблиги аниқланган:

объектларни тадқиқ этиш жараёнида ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олиш керак бўлган ўзаро боғлиқ магистрал газ қувурларининг фаолиятини умумий усулларини таҳлил қилиш ва аниқлаш;

тадқиқ этилаётган тизимларда жараёнларнинг кўп ўлчовлилиги, кўп фазалилиги, кўп компоненталиги ва ностационарлигини ҳисобга олган математик моделлар ва ахборот таъминоти ишлаб чиқиш;

муайян объектларнинг математик моделларини ечиш учун сонли-аналитик усуллар ишлаб чиқиш ва мавжуд ҳисоблаш алгоритмларини такомиллаштириш;

анъанавий ҳисоблаш схемалари билан янги ҳисоблаш моделлари ва алгоритмларнинг самарадорлиги бўйича таққослаш таҳлилларини ўтказиш,

янги фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишларини ривожлантириш бўйича тавсиялар бериш.

1.4-параграфда қувур элементар қисми учун ташқи муҳит ҳароратини сутка давомида даврий ўзгариши узатилаётган газ ҳароратига таъсири ва газ олиш ҳажмининг даврий ўзгариши, ҳамда магистраль қувур тармоғининг газ олиш/қўшишнинг нотекислиги ҳисобга олинганда масалаларнинг қўйилиши асосланган. Ушбу масалаларни шакллантиришда импульс, масса ва энергия сақланиши, ҳамда реал газ ҳолати тенгламаларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Атроф муҳит ҳарорати ва кириш, чиқиш кўрсаткичларининг суткалик ўзгаришлари ҳисобга олинган ҳолда магистраль газ қувури чизикли қисмининг газодинамик кўрсаткичлари масалаларининг аналитик ечимлари**» деб номланган иккинчи боби уч параграфдан иборат.

Маълумки, қувур орқали узатилаётган газнинг юқори ҳарорати босимнинг катта йўқотилишларига, паст ҳарорати эса конденсатлар ва гидратлар ҳосил бўлишига олиб келади. Шу туфайли 2.1-параграфда қувурни ўраб турган муҳитда ҳароратнинг суткалик ўзгариши туфайли газ ҳароратининг йўл-йўлакай ўзгариши масаласи қаралган.

Газ ҳарорати $T(x,t)$ ўзгариши қуйидаги тенглама билан тавсифланди:

$$\frac{\partial c_p T}{\partial t} + \frac{Q}{F} \frac{\partial c_p T}{\partial x} + \frac{4k_c}{D} (T - T_{oc}) = 0.$$

Бунда D , $F = \pi D^2/4$ – газ қувури диаметри ва кўндаланг кесими юзаси; k_c – тизимда иссиқлик алмашинувини ифодаловчи коэффицент; c_p – босимнинг ўзгармас қийматидаги газ солиштирма иссиқлик сифими; $M = \rho w F$ – газ масса сарфи; ρ, w – газ зичлиги ва тезлиги. Грунт ҳарорати $T_{oc}(t) = T_0 + \Delta T \sin \omega t$ синусоидал функция билан ифодаланган: $\omega = 2\pi/84600 \text{ c}^{-1}$; T_0 – грунтнинг ўртача суткалик ҳарорати; ΔT – грунт ҳарорати ўзгаришининг амплитудаси.

$c_p = const$ ҳоли учун қуйидаги аналитик ечим олинди:

$$T(x,t) = T_0 + (T_n - T_0)e^{-fx} + \frac{d}{\theta\sqrt{b}} \left[e^{-fx} \cos(\omega t - \theta x + \varphi) - \cos(\omega t + \varphi) \right].$$

Бунда $f = \frac{k_c \pi D}{c_p Q}$, $\varphi = \text{arctg}(f/\theta)$, $b = f^2 + \theta^2$, $d = f\theta\Delta T$, $\theta = F\omega/Q$.

Ушбу ечимнинг биринчи икки қўшилувчилари В.Г.Шуховнинг формуласини ифодалайди. Шу сабабли олинган ечимни В.Г.Шухов формуласининг атроф муҳит ҳарорати синусоидаль ўзгариши ҳоли учун такомиллашган кўриниши дейиш мумкин.

2.2-параграфда магистрал газ қувури чизикли қисми учун газ истеъмоли ва дамланиши нотекислигининг газ статик босими p ва масса сарфи $M = \rho w F$ учун қуйидаги олти даврий чегаравий шартга мос бошланғич шартсиз масалаларнинг аналитик ечимлари олинган:

$$\text{I вариант: } p_H = \bar{N}(t), \quad p_K = \tilde{N}(t);$$

$$\text{II вариант: } M_H = \bar{N}(t), \quad M_K = \tilde{N}(t);$$

$$\text{III вариант: } p_H = \bar{N}(t), \quad M_K = \tilde{N}(t);$$

$$\text{IV вариант: } M_H = \bar{N}(t), \quad p_K = \tilde{N}(t);$$

$$\text{V вариант: } M_H = \bar{N}(t), \quad p_H = \tilde{N}(t);$$

$$\text{VI вариант: } M_K = \bar{N}(t), \quad p_K = \tilde{N}(t).$$

Импульс сақланиши тенгламасида фақат қаршилик кучи ҳисобга олинганида газ қувури элементар қисми учун тенгламалар қуйидагича бўлди:

$$\frac{\partial p}{\partial x} + \frac{\lambda |w|}{2D} \rho w = 0, \quad \frac{\partial \rho w}{\partial x} + \frac{1}{c^2} \frac{\partial p}{\partial t} = 0, \quad p = Z \rho R T. \quad (1)$$

Мисол тариқасида V вариант масаланинг ечимини келтирамизки, унда қисмга кириш чегаравий шартлари Фурье қатори кўринишида берилади:

$$p(0,t) = \zeta_0 + \sum_{m=1} (\xi_m \sin \omega_m t + \zeta_m \cos \omega_m t), \quad (2)$$

$$M(0,t) = v_0 + \sum_{m=1} (\mu_m \sin \omega_m t + v_m \cos \omega_m t). \quad (3)$$

Ишқаланиш қаршилиги коэффиценти λ , таснифли тезлик w_* ($|w| \approx w_*$ – чизиклаштириш параметри), қувур диаметри D , кичик кўзғалишлар тарқалиши тезлиги c , ўта сиқилувчанлик коэффиценти Z , газ доимийси R ва абсолют ҳарорат T берилган ва уларнинг қийматлари ўзгармас деб қараймиз. Қисм узунлиги l ни ташкил этади. Мос циклик частоталар $\omega_m = 2\pi m / T_{per}$ деб қабул қилинди ва T_{per} – кўзғалишлар даври (суткалик ўзгаришлар учун $T_{per} = 84600$ с).

Ечимнинг (1)–(3) дан аниқланувчи стационар қисми, $\lambda_* = \lambda w_* / (2D)$ бўлганида, қуйидагича аниқланди: $M_{CT} = v_0$, $p_{CT}(x) = \zeta_0 - \frac{\lambda_*}{F} v_0 x$.

Масаланинг даврий ечимини олиш учун система (1) ни статик босимга нисбатан $\frac{\partial p}{\partial t} = a^2 \frac{\partial^2 p}{\partial x^2}$ ва масса сарфига нисбатан $\frac{\partial M}{\partial t} = a^2 \frac{\partial^2 M}{\partial x^2}$ параболик тенглама тарзида ёзиб оламиз (бунда $a^2 = 2Dc^2 / (\lambda w_*) = const$).

Дастлаб масалани масса сарфи ва босимга нисбатан муайян частота ω_m учун ечиб оламиз ва кейин m нинг барча қийматлари учун уларнинг йиғиндисини ҳисоблаб, ностационар ечимни топамиз.

Кириш сарфининг бирлик амплитудали $\cos \omega_m t$ га мос қийматининг масса сарфидаги улуши комплекс функция кўринишида қидирилади:

$$\bar{M}_m(x,t) = e^{-i\omega_m t} \bar{K}_m(x).$$

$e^{-i\omega_m t} = \cos \omega_m t - i \sin \omega_m t$ ҳисобга олинса, комплекс $\bar{M}_m(x,t)$ ечимнинг ҳақиқий қисми $\cos \omega_m t$ учун, мавҳум қисми $-\sin \omega_m t$ учун ечимлиги аниқланади.

Чегаравий шартларга кўра ечим қуйидагича бўлади:

$$\bar{K}_m(x) = \cos \gamma_m x = \cos(\theta_m + i\theta_m)x = \cos \theta_m x \operatorname{ch} \theta_m x - i \sin \theta_m x \operatorname{sh} \theta_m x = \bar{R}_{K,m}(x) + i\bar{I}_{K,m}(x).$$

Унга кўра муайян ω_m частотага мос масса сарфининг қисми

$$\begin{aligned} \bar{M}_m(x,t) &= e^{-i\omega_m t} \bar{K}_m(x) = (\cos \omega_m t - i \sin \omega_m t) [\bar{R}_{K,m}(x) + i\bar{I}_{K,m}(x)] = \\ &= [\bar{R}_{K,m}(x) \cos \omega_m t + \bar{I}_{K,m}(x) \sin \omega_m t] + i[-\bar{R}_{K,m}(x) \sin \omega_m t + \bar{I}_{K,m}(x) \cos \omega_m t] \end{aligned}$$

ни ташкил этади.

Кириш босимининг масса сарфидаги улушини аниқлаш учун (2) шартни система (1) нинг иккинчи тенгламаси ёрдамида ўзгартирамиз:

$$\frac{\partial \tilde{M}_m(0,t)}{\partial x} = -\frac{F}{c^2} \frac{\partial \tilde{p}_m(0,t)}{\partial t} = \frac{F\omega_m}{c^2} \zeta_m \sin \omega_m t - \frac{F\omega_m}{c^2} \xi_m \cos \omega_m t. \quad (4)$$

Ечимни $\tilde{M}_m(x,t) = e^{-i\omega_m t} \tilde{K}_m(x)$ кўринишида кидирамиз. (4) шартга кўра:

$$\begin{aligned} \tilde{K}_m(x) &= \frac{\sin(\theta_m + i\theta_m)x}{\theta_m + i\theta_m} = \frac{1}{2\theta_m} (\sin \theta_m x \operatorname{ch} \theta_m x + \cos \theta_m x \operatorname{sh} \theta_m x) + \\ &+ \frac{i}{2\theta} (-\sin \theta_m x \operatorname{ch} \theta_m x + \cos \theta_m x \operatorname{sh} \theta_m x) = \tilde{R}_{K,m}(x) + i\tilde{I}_{K,m}(x). \end{aligned}$$

Бирлик амплитудали босим ўзгаришининг масса сарфидаги улушини топамиз:

$$\begin{aligned} \tilde{M}_m(x,t) &= e^{-i\omega_m t} \tilde{K}_m(x) = (\cos \omega_m t - i \sin \omega_m t) [\tilde{R}_{K,m}(x) + i\tilde{I}_{K,m}(x)] = \\ &= [\tilde{R}_{K,m}(x) \cos \omega_m t + \tilde{I}_{K,m}(x) \sin \omega_m t] + i[-\tilde{R}_{K,m}(x) \sin \omega_m t + \tilde{I}_{K,m}(x) \cos \omega_m t]. \end{aligned}$$

Улушларни жамлаш ва соддалаштириш орқали масса сарфи учун ечимни топамиз:

$$\begin{aligned} M_m(x,t) &= \left[v_m \bar{R}_{K,m}(x) - \mu_m \bar{I}_{K,m}(x) - \frac{F\omega_m}{c^2} \xi_m \tilde{R}_{K,m}(x) - \frac{F\omega_m}{c^2} \zeta_m \tilde{I}_{K,m}(x) \right] \cos \omega_m t + \\ &+ \left[v_m \bar{I}_{K,m}(x) + \mu_m \bar{R}_{K,m}(x) - \frac{F\omega_m}{c^2} \xi_m \tilde{I}_{K,m}(x) + \frac{F\omega_m}{c^2} \zeta_m \tilde{R}_{K,m}(x) \right] \sin \omega_m t. \end{aligned} \quad (5)$$

ω_m частота учун амалларни такрорлаб, газ босими учун ечимни оламиз:

$$\begin{aligned} p_m(x,t) &= \left[\zeta_m \bar{R}_{K,m}(x) - \xi_m \bar{I}_{K,m}(x) - \frac{\lambda_*}{F} v_m \tilde{R}_{K,m}(x) + \frac{\lambda_*}{F} \mu_m \tilde{I}_{K,m}(x) \right] \cos \omega_m t + \\ &+ \left[\zeta_m \bar{I}_{K,m}(x) + \xi_m \bar{R}_{K,m}(x) - \frac{\lambda_*}{F} v_m \tilde{I}_{K,m}(x) - \frac{\lambda_*}{F} \mu_m \tilde{R}_{K,m}(x) \right] \sin \omega_m t. \end{aligned} \quad (6)$$


Шунга ўхшаш ечимлар қолган беш вариант масалалар учун ҳам олинган.

2.3-параграфда масалаларнинг турлича қўйилишида ечимларнинг эквивалентлиги исботланган: босим ва газ сарфининг қисмга кириш ва ундан чиқишдаги функциялар комплексидан ихтиёрий икkitаси берилганида ечим комплекснинг қолган икки функциясини ташкил этади.

Масса сарфининг киришдаги (берилган) ва чиқишдаги (топилган) типик ўзгаришлари 1-расмда келтирилган.

Статик ечимларнинг эквивалентлиги аналитик усулда исботланди ва сонли натижалар билан тасдиқланди. Даврий қисмларнинг эквивалентлиги ҳисоблаш тажрибаси ёрдамида тасдиқланди. Барча ҳолларда солиштириш

натижалари келтирилган бирликларда фарқнинг 10^{-5} дан ортмаслигини кўрсатди.



1-расм. Масса сарфининг узунлиги $L = 50$ км бўлган қисм боши ва охиридаги даврий ўзгариши. $D = 0.992$ м, $\lambda = 0.01$, $w_* = 10$ м/с, $c = 200$ м/с.

Ишнинг учинчи боби «Чегаравий ва ички шартларнинг суткалик ўзгаришида магистраль газ қувурлари тармоғини ҳисоблаш учун сонли-аналитик усуллар ва ҳисоб алгоритмларини ишлаб чиқиш» тўрт параграфдан иборат.

3.1-параграфда Н.Е.Жуковский тенгламалари ёрдамида n -элементар қисмнинг динамик ҳолати моделлаштирилган:

$$\frac{\partial p_n}{\partial x} + \frac{2a_n}{F_n} M_n = 0, \quad \frac{\partial M_n}{\partial x} + \frac{F_n}{c^2} \frac{\partial p_n}{\partial t} = 0,$$

бунда газ босими p_n ва масса сарфи M_n вақт t ва масофа x дан боғлиқ равишда ўзгаради. Ўзгармас $2a_n$ қисмда босим тушиши қонуниятини таснифлайди; $F_n = \pi D_n^2 / 4$ – қисм кўндаланг кесими юзаси.

Бошланғич шартларсиз ва чегара шартларнинг қисмга киришда газ босими ва сарфи Фурье қатори кўринишида берилиши ҳолини қараш билан чекланамиз ва иккинчи бобда берилган мос ечим асосида магистралнинг n -бўғинининг охири учун ечимни ёзиб оламиз.

Ечимнинг стационар қисми учун

$$P_{CTn,0}(l_n, t) = \zeta_{n-1,0} - \frac{\lambda_n w_* l_n}{2D_n F_n} v_{n-1,0} = const, \quad M_{CTn,0}(l_n, t) = v_{n-1,0} = const,$$

муайян ω_m ($m = 1, 2, \dots$) гармоника учун (5)-(6) га ўхшаш ечимлар олинди.

ω_m учун ечим коэффициентлари вектор кўринишида $W_{n,m} = (\zeta_{n,m}, \xi_{n,m}, v_{n,m}, \mu_{n,m})^T$ ёзиб олинади ($(\cdot)^T$ матрицани транспонирлаш амалини англатади). У ҳолда n -бўғиннинг кириши ва чиқишидаги кўрсаткичлар орасидаги муносабат қуйидагича бўлади:

$$W_{n,m} = A_{n,m} \overset{\circ}{W}_{n-1,m};$$

бунда

$$A_{n,m} = \begin{pmatrix} a_{1,1}^{n,m} & a_{2,1}^{n,m} & a_{1,3}^{n,m} & a_{1,4}^{n,m} \\ a_{1,2}^{n,m} & a_{2,2}^{n,m} & a_{2,3}^{n,m} & a_{2,4}^{n,m} \\ a_{1,3}^{n,m} & a_{3,2}^{n,m} & a_{3,3}^{n,m} & a_{3,4}^{n,m} \\ a_{1,4}^{n,m} & a_{4,2}^{n,m} & a_{4,3}^{n,m} & a_{4,4}^{n,m} \end{pmatrix} = \|a_{i,j}^{n,m}\|,$$

$$a_{1,1}^{n,m} = \bar{R}_{Kn,m}(l_n), a_{1,2}^{n,m} = -\bar{I}_{Kn,m}(l_n), a_{1,3}^{n,m} = -\frac{\lambda_{*n}}{F_n} \tilde{R}_{Kn,m}(l_n), a_{1,4}^{n,m} = \frac{\lambda_{*n}}{F_n} \tilde{I}_{Kn,m}(l_n),$$

$$a_{2,1}^{n,m} = \bar{I}_{Kn,m}(l_n), a_{2,2}^{n,m} = \bar{R}_{Kn,m}(l_n), a_{2,3}^{n,m} = -\frac{\lambda_{*n}}{F_n} \tilde{I}_{Kn,m}(l_n), a_{2,4}^{n,m} = -\frac{\lambda_{*n}}{F_n} \tilde{R}_{Kn,m}(l_n),$$

$$a_{3,1}^{n,m} = -\frac{F_n \omega_m}{c^2} \tilde{I}_{Kn,m}(l_n), a_{3,2}^{n,m} = -\frac{F_n \omega_m}{c^2} \tilde{R}_{Kn,m}(l_n), a_{3,3}^{n,m} = \bar{R}_{Kn,m}(l_n), a_{3,4}^{n,m} = -\bar{I}_{Kn,m}(l_n),$$

$$a_{4,1}^{n,m} = \frac{F_n \omega_m}{c^2} \tilde{R}_{Kn,m}(l_n), a_{4,2}^{n,m} = -\frac{F_n \omega_m}{c^2} \tilde{I}_{Kn,m}(l_n), a_{4,3}^{n,m} = \bar{I}_{Kn,m}(l_n), a_{4,4}^{n,m} = \bar{R}_{Kn,m}(l_n),$$

$$\bar{R}_{Kn,m}(x) = \cos \theta_{n,m} x \operatorname{ch} \theta_{n,m} x, \tilde{R}_{Kn,m}(x) = \frac{1}{2\theta_{n,m}} (\sin \theta_{n,m} x \operatorname{ch} \theta_{n,m} x + \cos \theta_{n,m} x \operatorname{sh} \theta_{n,m} x),$$

$$\bar{I}_{Kn,m}(x) = -\sin \theta_{n,m} x \operatorname{sh} \theta_{n,m} x, \tilde{I}_{Kn,m}(x) = (-\sin \theta_{n,m} x \operatorname{ch} \theta_{n,m} x + \cos \theta_{n,m} x \operatorname{sh} \theta_{n,m} x),$$

$$\theta_{n,m} = \sqrt{\omega_m / 2a_n^2}, a_n^2 = \frac{2D_n c^2}{\lambda_n w_{*n}}, w_{*n} - n\text{-бўғиннинг таснифли тезлиги.}$$

$A_{n,m}$ матрицанинг биринчи икки қатори босимга, охириги икки қатори эса масса сарфига тегишли; тоқ қаторлар $\cos \omega_m t$ га, жуфт қаторлар эса $\sin \omega_m t$ га тааллуқли.

n -бўғиннинг охиридаги газ олиш/қўшиш ҳисобига $n+1$ -бўғин кириши учун вектор кўрсаткич қуйидагича бўлади:

$$\overset{\circ}{W}_{n,m} = W_{n,m} + \bar{\alpha}_{n,m},$$

бунда $\bar{\alpha}_{nm} = (0, 0, b_3^{n,m}, b_4^{n,m})^T$ масса сарфи учун олиш/қўшиш жадаллигининг синус- ва косинус-компонентлари; $b_3^{n,m} = \beta_{n,m}$, $b_4^{n,m} = \alpha_{n,m}$.

Биринчи бўғинга кириш $p_{CT1}(0) = \zeta_{0,0}$ ва $M_{CT1}(0) = v_{0,0}$ ($= v_{0,0}$) билан бўғин охири $\zeta_{1,0} = \zeta_{0,0} - \frac{\lambda_{*1} l_1}{F_1} v_{0,0}$, $v_{1,0} = v_{0,0}$ лар билан аниқланди.

Биринчи бўғин охиридаги олиш/қўшиш жадаллиги $\beta_{1,0}$ ни ҳисобга олганда, иккинчи бўғин киришида $\zeta_{1,0} = \zeta_{0,0} - \frac{\lambda_{*1} l_1}{F_1} v_{0,0}$, $v_{1,0} = v_{1,0} = v_{0,0} + \beta_{1,0}$ га эга бўламиз. Унда иккинчи бўғин охирида кўрсаткичлар қуйидагича бўлади:

$$\zeta_{2,0} = \zeta_{1,0} - \frac{\lambda_{*2} l_2}{F_2} v_{1,0} = \zeta_{0,0} - \frac{\lambda_{*1} l_1}{F_1} v_{0,0} - \frac{\lambda_{*2} l_2}{F_2} (v_{0,0} + \beta_{1,0}) \quad v_{2,0} = v_{1,0}.$$

Ва ҳ.к.

N -бўғин охири учун, $\Lambda_n = \frac{\lambda_n w_{*n} l_n}{2D_n F_n}$ десак, қуйидагиларни оламиз:

$$\zeta_{N,0} = \zeta_{0,0} - v_{0,0} \sum_{n=1}^N \Lambda_n - \sum_{n=2}^N \Lambda_n \sum_{i=1}^{n-1} \beta_{i,0}, \quad v_{N,0} = v_{0,0} + \sum_{n=1}^{N-1} \beta_{n,0}.$$

Унда кириш ва чиқишнинг стационар кўрсаткичлари орасидаги муносабат икки тенгламадан ташкил этади

$$v_{N,0} - v_{0,0} = \sum_{n=1}^{N-1} \beta_n, \quad \zeta_{N,0} - \zeta_{0,0} + v_{0,0} \sum_{n=1}^N \Lambda_n = - \sum_{n=2}^N \Lambda_n \sum_{i=1}^{n-1} \beta_{i,0}$$

ва бу системадан I-VI масалалар учун етмайдиган маълумотлар топилади.

Биринчи параграфда олинган матрица кўринишидаги муносабатлардан учинчи параграфда МГҚнинг кўп бўғинли қисми учун фойдаланилди.

Вектор-устун $\overset{\circ}{W}_{n,m}$ нинг бўғинларда ўзгариб боришини кузатайлик:

$$\overset{\circ}{W}_{0,m} = (\zeta_{0,m}, \xi_{0,m}, v_{0,m}, \mu_{0,m})^T - \text{қисмга (биринчи бўғинга) киришда;}$$

$$\overset{\circ}{W}_{1,m} = (\zeta_{1,m}, \xi_{1,m}, v_{1,m}, \mu_{1,m})^T = A_{1,m} \overset{\circ}{W}_{0,m} - 1\text{-бўғиннинг чиқишида;}$$

$$\overset{\circ}{W}_{2,m} = (\zeta_{2,m}, \xi_{2,m}, v_{2,m}, \mu_{2,m})^T = A_{2,m} \left[\overset{\circ}{W}_{1,m} + (0, 0, \beta_{1,m}, \alpha_{1,m})^T \right] - 2\text{-бўғин}$$

чиқишида; ...

$$\overset{\circ}{W}_{N,m} = (\zeta_{N,m}, \xi_{N,m}, v_{N,m}, \mu_{N,m})^T = A_{N,m} \left[\overset{\circ}{W}_{N-1,m} + (0, 0, \beta_{N-1,m}, \alpha_{N-1,m})^T \right] - N\text{-}$$

бўғин (қисм) чиқишида.

Ушбу муносабатлардан фойдаланиб, муайян ω_m ($m = 1, 2, \dots$) учун кириш $\overset{\circ}{W}_{0,m}$ ва чиқиш $\overset{\circ}{W}_{n,m}$ маълумотлари орасидаги боғланиш қурилди:

$$\overset{\circ}{W}_{n,m} = A_{N,m} \left(A_{N-1,m} \dots \left(A_{3,m} \left(A_{2,m} \left(A_{1,m} \overset{\circ}{W}_{0,m} + \bar{\alpha}_{1,m} \right) + \bar{\alpha}_{2,m} \right) + \bar{\alpha}_{3,m} \right) + \dots + \bar{\alpha}_{N-1,m} \right).$$

Реккурент йўқотишлар усули билан оралик коэффицентлардан қутилинди ва тўрт чизикли тенгламадан иборат система тузилди:

$$\begin{pmatrix} \varphi_1^{N,m} & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \varphi_2^{N,m} & 0 & 0 \\ 0 & 0 & \varphi_3^{N,m} & 0 \\ 0 & 0 & 0 & \varphi_4^{N,m} \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} e_{11}\varphi_1^{0,m} + e_{12}\varphi_2^{0,m} + e_{13}\varphi_3^{0,m} + e_{14}\varphi_4^{0,m} \\ e_{21}\varphi_1^{0,m} + e_{22}\varphi_2^{0,m} + e_{23}\varphi_3^{0,m} + e_{24}\varphi_4^{0,m} \\ e_{31}\varphi_1^{0,m} + e_{32}\varphi_2^{0,m} + e_{33}\varphi_3^{0,m} + e_{34}\varphi_4^{0,m} \\ e_{41}\varphi_1^{0,m} + e_{42}\varphi_2^{0,m} + e_{43}\varphi_3^{0,m} + e_{44}\varphi_4^{0,m} \end{pmatrix} + \begin{pmatrix} f_1 \\ f_2 \\ f_3 \\ f_4 \end{pmatrix}. \quad (7)$$

$$\text{Бунда } (\varphi_1^{0,m}, \varphi_2^{0,m}, \varphi_3^{0,m}, \varphi_4^{0,m})^T = (\zeta_{0,m}, \xi_{0,m}, v_{0,m}, \mu_{0,m})^T,$$

$$(\varphi_1^{N,m}, \varphi_2^{N,m}, \varphi_3^{N,m}, \varphi_4^{N,m})^T = (\zeta_{N,m}, \xi_{N,m}, v_{N,m}, \mu_{N,m})^T,$$

$$f_{i_N} = \sum_{i_N=1}^4 a_{i_N i_{N-1}}^{N,m} \sum_{i_{N-1}=1}^4 a_{i_{N-1} i_{N-2}}^{N-1,m} \left(\dots \left(\sum_{i_2=1}^4 a_{i_2 i_1}^{3m} \left(\sum_{i_1=1}^4 a_{i_2 i_1}^{2m} b_{i_1}^{1m} + b_{i_2}^{2m} \right) + b_{i_3}^{3m} \right) \dots + b_{i_{N-1}}^{N-1,m} \right),$$

$$e_{i_N, j} = \sum_{i_{N-1}=1}^4 a_{i_N, i_{N-1}}^{Nm} \sum_{i_{N-2}=1}^4 a_{i_{N-1}, i_{N-2}}^{N-1, m} \dots \sum_{i_2=1}^4 a_{i_3, i_2}^{3m} \sum_{i_1=1}^4 a_{i_2, i_1}^{2m} a_{i_1 j}^{1m} .$$

Масаланинг қўйилишига қараб система (7) соддалаштирилган ёки каторнинг бош элементини танлаш усулида ечилади. Натижада газ босими ва масса сарфининг кириш ва чиқишдаги m -гармоникаларининг коэффициентлари аниқланади.

У масалани ечиш жараёнида $W_{n, m}$ кетма-кетлигини ошиб борувчи n учун аниқлаш, учинчи параграфда кўрсатилганидек, тармоқ тугунларида $\sin \omega_m t$ ва $\cos \omega_m t$ коэффициентларини топиш имконини беради. ω_m частота учун кириш маълумотлари $\zeta_{0, m}, \nu_{0, m}, \xi_{0, m}$ ва $\mu_{0, m}$ маълум бўлганидан кейин масаланинг бошқа вариантлари учун ҳам ушбу кетма-кетликни қўллаш мумкин. Ушбу хусусият ҳисобга олинган ҳолда кўп бўғинли газ қувури учун ҳисоблаш алгоритми қурилди. У қуйидаги босқичлардан иборат:


- 1) Қисмлар ва тармоқ учун зарурий маълумотларни шакллантириш.
- 2) Икки чегаравий шарт ва ички тугунлардаги газ олиш/қўшиш жадалликларини киритиш.
- 3) Етишмайдиган статик ташкил этувчиларни аниқлаш.
- 4) n -бўғин учун зарур маълумотларни аниқлаш имконини берувчи ва олиш/қўшиш жадалликларини ҳисобга олувчи матрицаларни ω_m ($m = 1, 2, \dots$) учун шакллантириш.
